XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 10 - fevral VI-32-54-3-0-K/22 Jizzax viloyati hokimligi

Жиззах вилоятида умумий майдонининг 60 фоизида кўкаламзорлаштириш объектлари мавжуд бўлган истироҳат боғлари, парклар ва тематик хиёбонларга ҳамда уларни ишончли бошқарув ва ижарага олган, инвестицион мажбуриятларини белгиланган муддатларда амалга ошириб бораётган ва солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тадбиркорларга нисбатан ушбу фаолият тури бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сонли “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 22-банди ижроси юзасидан умумий майдонининг 60 фоизида кўкаламзорлаштириш объектлари мавжуд бўлган истироҳат боғлари, парклар ва тематик хиёбонларга ҳамда уларни ишончли бошқарув ва ижарага олган, инвестицион мажбуриятларини белгиланган муддатларда амалга ошириб бораётган ва солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тадбиркорларга нисбатан ушбу фаолият тури бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг 2022 йил ставкасини тасдиқлаш бўйича халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жиззах вилояти учун умумий майдонининг 60 фоизида кўкаламзорлаштириш объектлари мавжуд бўлган истироҳат боғлари, парклар ва тематик хиёбонларга ҳамда уларни ишончли бошқарув ва ижарага олган, инвестицион мажбуриятларини белгиланган муддатларда амалга ошириб

бораётган ва солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тадбиркорларга нисбатан ушбу фаолият тури бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг ставкалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасида белгиланган юридик шахсларнинг ер солиғи мутлақ миқдорига вилоят халқ депутатлари Кенгаши туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, 1-иловага мувофиқ 0,5 гача бўлган камайтирувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов, вилоят Молия бош бошқармаси (А.Рахматуллаев), вилоят Солиқ бошқармаси (Б.Тошпулатов)ларга 2022 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор “Жиззах ҳақиқати” ва “Джизакская правда” газеталарида расман эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг jizzax.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Қарор 2022 йил 1 январидан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Халқ депутатлари Жиззах вилоят
Кенгашининг
2022 йил 10 февралдаги
VI-32-54-3-0-K/22-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ 46-сонли қарорига асосан юридик шахслар бўйича қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлари учун базавий солиқ ставкаси, туман ва шаҳарлар кесимида 1 гектар учун мутлақ миқдори қуйидагича белгиланади:

Т/Р	Ҳудудлар	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун *(млн.сўмда)*	Халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан қўлланилган коэффициент ***(0,5-2,0)***		ПФ 46-сонли қарори бўйича ер солиғи ставкаси 2022 йил учун *(млн.сўмда*
			Камайтирувчи	Оширувчи	
1	Арнасой тумани	29,0	0,5		14,5
2	Бахмал тумани	33,4	0,5		16,7
3	Ғаллаорол тумани	33,4	0,6		20,04
4	Шароф Рашидов тумани	34,8	0,7		24,36
5	Дўстлик тумани	33,4	0,5		16,7
6	Зомин тумани	34,8	0,7		24,36
7	Зарбдор тумани	33,4	0,5		16,7
8	Зафаробод тумани	29,0	0,5		14,5
9	Мирзачўл тумани	29,0	0,5		14,5
10	Пахтакор тумани	33,4	0,6		20,04
11	Фориш тумани	29,0	0,5		14,5
12	Жиззах шаҳар	36,3	0,8		29,04
13	Янгиобод тумани	29,0	0,5		14,5

Изоҳ: Туман ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари жисмоний шахсларнинг ер солиғи ставкаларини ҳудудларда жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўчалар кесимида 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга